БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ X СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# ҚОНУН МУКАММАЛЛАШАДИ

**Маълумки, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибида «Гаров тўғрисидаги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги масала ҳам ўрин олган. Хўш, бу Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишнинг сабаблари нимада? Бунга қандай эҳтиёж туғилди? Мухбиримиз Беҳзод НОРБОЕВ ушбу савол билан Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси Анвар Йўлдошевга мурожаат қилди.**

— Аввалом бор шуни айтиш керакки «Гаров тўғрисида»ги Қонун 1993 йилда қабул қилинганди. Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилингандан кейинги йилларда тадбиркорликнинг баъзи бир кўринишлари мамлакатимизга эндигина кириб кела бошлаган, айрим турлари ривожланиш босқичида эди. Демоқчиманки, ўша йилларда қабул қилинган баъзи бир қонунларга айрим ҳолларда шарт-шароитдан келиб чиқиб, давр тақазо этган зарур моддалар киритилганди.

Орадан ўтган тўрт йил мобайнида ҳаётимизда катта ўзгаришлар содир бўлди. Шунингдек, 1996 йилда мамлакатимизнинг «Фуқаролик Кодекси» қабул қилингач, ушбу кодекс билан «Гаров тўғрисида»ги Қонун ўртасида номутаносиблик кўрина бошлади. Натижада ушбу қонун айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи туғилди.

Даставвал жойлардан тушган таклифлар обдан ўрганиб чиқилди. Айрим пайтда «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг йигирмага яқин моддасига ўзгартишлар киритиш мўлжалланмоқда...

Мана, бир ҳолат: масалан, чет эллик йирик мулкдорнинг сармояси йўқ, деб фараз қилайлик. У шундай пайтда қандай қилиб кредит олиши мумкин? Бундай ҳолатда чет эллик мулкдор кредитни гаров орқали олиб, сармоясини кўпайтириш имкониятига эга. Мана шу каби қатор масалаларга ойдинлик киритиш лозим эди.- Табиийки биз бундай жараёнга эндигина кириб боряпмиз. Шунинг учун ҳам «Гаров тўғрисида»ги Қонун умумжаҳон андозаларига мослаштирилган деб айта оламиз.

«Фуқаролик Кодекси»да гаров тўғрисида 27 та модда бўлиб, булар фақат умумий тушунчаларни ифодалайди, халос. «Гаров тўғрисида»ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда эса гаровга берувчи ва уни ушлаб турувчининг ҳуқуқлари, шунингдек, «Ломбард» тушунчасини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қўшимча ва ўзгартиришларимизда гаровнинг асосий турларидан ҳисобланган «Эпатека» тушунчаси ҳам киритилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Гаров тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган янги қўшимча ва ўзгартиришлар ушбу қонунни амалда янада самаралироқ ишлашига кўмак беради, деб умид қиламиз.

# ЎСИМЛИК ДУНЁСИ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

— Сўнгги йилларда кимёвий усулда тайёрланаётган дори-дармонлардан воз кечилиб табиий ўсимликлар, доривор гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлашга кўпроқ эътибор беріляпти. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда бундай усулга ўтилганига анча бўлди. Юртимиз шифобахш ўсимликлар, доривор гиёҳлар, ўт-ўланларга жуда бой. Фақат улар давлат йўли билан муҳофаза қилинмасди. Энди «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси қабул қилинса, шу эзгу-мақсад йўлида дадил қадам қўйилган бўлади.

Яқин вақтларгача бизда доривор ўсимликлар, гиёҳларни тўплаш билан ўрмон ва табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари шуғулланарди. Негадир ушбу ташкилотлар бундай хайрли ишга унча эътибор беришмай қўйишди. Шифобахш гиёҳлар, ўт-ўланлар ёввойи меваларни тўплаш билан асосан ўзга манзилларда яшовчи аҳоли, ҳаваскор овчилар шуғулланмоқда. Қонун лойиҳасининг «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари» деб аталган моддасида «Ёввойи ўсимликлар доривор хомашёсини тайёрлаш» деган банд бор. Шу банд «ёввойи ўсимликлар хомашёсини тайёрлаш махсус ихтисослаштирилган хўжаликлар томонидан амалга оширилади» деб ўзгартирилса фойдали бўлар эди.

**Набижон АЗИМОВ, «Малҳам» хусусий дорихонаси бошлиғи.**



*Қани энди шундай қарисанг !..*

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

● *ШАРҲ*

**"Куч - адолатдадир" деган ҳимматли ва мурувватли ҳикмат қадим-қадимдан ўзбек миллий давлатчилигининг устувор тамойили бўлиб келган. Инсонпарварлик, раҳм-шафқатлилик, кечиримли, саодатли бўлиш халқимизнинг азалий сифатлари саналган.**

**Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, тарих қатларида қолган миллий давлатчилигимизнинг бебаҳо тажрибалари қайта тиклана бошлади.**

**Конституциямиз ва унга мувофиқ тузилган қонунларимизда Инсон манфаати, Адолат ва Эзгулик бош ғоя сифатида олға сурилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида чиқарган Фармони Конституцияга содиқликнинг намунасидир. Бундай умумий Авф инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиларидан биридир.**

**Журналист Сафар Остоновнинг ҳуқуқшунос Нурмат Аҳмонов билан суҳбати ушбу Фармондан кўзланган мақсад ва унинг моддалари изоҳига бағишланади.**

# АМНИСТИЯ - ИНСОНПАРВАРЛИК ДЕМАК

**— Энг аввало амнистия тўғрисидаги Фармоннинг моҳиятини қисқача таърифлаб берсангиз.**

— Мамлакатимиз инсонпарвар, ҳуқуқий- демократик давлат қуриш йўлидан бормоқда. Бу йўлда бош мезон, шубҳасиз, инсон манфаатидир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати муқаддас саналади. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун, Фармон замирида инсонпарварлик ғояси ётибди. Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ республикамиз ана шу йўлни танлади. Ўтган қисқа даврда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон тажрибасини кўпгина давлатлар тан олиб турибди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, одамларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳамма кўриб, билиб турган бир ҳаётий мисол келтирай. Бундан 5-6 йил илгари юртимизда жиноятчиликнинг аҳволи қандай эди-ю, ҳозир қандай. Амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғри англаётган халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуришдаги иштироки тобора фаоллашмоқда. Яратилган соғлом муҳит одамларнинг хотиржам яшаши ва ишлашини таъминламоқда, жиноятчилик кескин камайиб бормоқда. Ҳозир жиноятчилик АҚШда ҳар 100 минг кишининг 650 тасига, Россияда 680, қўшни Қозоғистонда 450, Ўзбекистонда эса атиги 200 тасига тўғри келади.

Лекин бу борадаги рақамлар хотиржам бўлишга асос бермайди. Шу боис бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ давлатимиз жамиятнинг жиноят йўлига кирган носоғлом қатламини қайта тарбиялаш, дарз кетган тақдирни, оилани тиклашдек муҳим вазифага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Конституциямизнинг 93-моддаси 20-бандига асосан Президентимиз томонидан амнистия тўғрисида чиқарилаётган фармонлар фикримизнинг яққол далилидир.

Фармоннинг асосий мақсади инсон манфаати тўғрисида қайғуриш, оғирини енгил қилиш, ҳалол меҳнат билан фаровон яшашига имкон яратиш. Эҳтиётсизликдан, тушунмасликдан биринчи марта жиноят содир этган, озодликка чиқарилганда жамиятга зиёни тегмайдиган шахслар тақдири, оилавий аҳволлари ҳисобга олинган.

Меҳр-шафқат туйғусига асосланган бундай изчил тадбирлар, амнистия (умумий авф) қилинганларнинг оиласига қувонч келтириб, уларни ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқаришга ундайди деган фикрдаман.

**- Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг моддаларига изоҳ берсангиз.**

- Конституциямизнинг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармон амнистия тўғрисидаги олдинги фармонлардан фарқ қилади ва ўзига хос муҳим ҳуқуқий ҳолатларга эга. Олдинги фармонларда қасддан содир этган жиноятлари учун 3 йилгача ёки 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазонинг тегишли қисмини ўтаган шахсларни жазодан озод қилиш кўрсатилган бўлса, ушбу Фармонда эса биринчи маротаба судланиб, етти йилгача ва ҳатто ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган, тайинланган жазо муддатларини тегишли қисмларини ўтаган шахсларни ҳам озод қилиш кўзда тутилган.

Фармоннинг биринчи моддасига биноан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларни жазодан озод қилиш белгиланган. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар деганда, шартли ҳукм қилинганлар, жарима тўлашга ҳукм қилинганлар, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланилган ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахслар тушунилади.

Ушбу моддага кўра, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахсларни, шунингдек, аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар, вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларини жазодан озод қилиш белгиланган.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар дейилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 249-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги 170-сонли қарорларида қайд этилган шахслар кўзда тутилади.

60 ёшдан ошган эркаклар дейилганда 1937 йил 4 декабрга қадар туғилган кишилар тушунилади.

**- Вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахсларга тааллуқли бандга алоҳида тўхталсангиз. Масалан, Фармондан атиги бир неча кун ўтгач жиноят содир этган ўсмирга нисбатан амнистия қўлланиладими?**

- Йўқ. Ушбу Фармон кучга киргунга қадар, яъни 1997 йил 4 декабргача жиноят содир этганларгагина қўлланилади. Аммо айрим ҳолларда, Фармон кучга киргунга қадар бир неча эпизодли жиноятлар содир этилиб, улардан, мисол учун, дастлабки эпизодлари шахснинг вояга етмаган вақтида, қолганлари эса вояга етган вақтида содир этилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда улар вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар деб, тушунилмайди.

Худди шундай, 1 ва II гуруҳ ногирони бўлган шахсларга нисбатан ҳам Фармон, агарки, улар ушбу Фармон кучга кирган кунга қадар қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бўлсагина, тадбиқ этилади.

Фармоннинг иккинчи моддасида биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазодан озод қилиш кўзда тутилган.

Фармоннинг учинчи моддасига биноан, биринчи марта ҳукм қилиниб, агарки, тайинланган беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини камида тўртдан бир қисмини, етти йилгача жазо муддатини камида учдан икки қисмини ва ўн йилгача бўлган жазо муддатини камида тўртдан уч қисмини ўтаган шахсларни ўталмай қолган жазо қисмидан озод қилиш белгиланган.

Бунда ҳар учала ҳолда ҳам Фармон кучга кирган кунга қадар ўтаган жазо муддати инобатга олинади.

**- Тергов ва судларнинг иш юритувида бўлган ишлар тақдири қандай бўлади?**

- Бу ҳолатларда ҳам Фармон чиққан кунгача содир этилган ва амнистияга тушадиган моддаларга тегишли жиноятлар ҳисобга олинади. Қандай ишлар тергов ва судда ҳаракатдан тўхтатилиши Фармоннинг тўртинчи моддасида кўрсатилган.

Бешинчи модда бўйича эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг ўталмаган жазо қисми ярмига қисқартирилади. Агарда, эҳтиётсизлик жинояти билан бир вақтда қасддан содир этган жинояти ҳам бўлса (масалан, автоавария содир этган шахс томонидан автоавария туфайли ҳаёти хавф остига қолган шахсга ёрдам бермаслик) ушбу модда қўлланилмайди. Айнан ушбу ҳолат Фармоннинг иккинчи моддасидаги эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларга ҳам тааллуқлидир.

Биринчи марта ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказиш Фармоннинг олтинчи моддасида кўзда тутилган. Ушбу моддани қўллашда ҳам, агар маҳкум жазо муддатининг камида ярмини Фармон кучга кирган кунга қадар ўтаган бўлсагина, инобатга олинади.

**- Фармоннинг еттинчи ва саккизинчи моддаларида амнистия қўллашни инкор этувчи ҳолатлар назарда тутилган. Бу ҳолатлар нималардан иборат?**

-Жиноят Кодексининг 247, 248-моддалари, шунингдек, 271, 272, 273-моддаларининг барча қисмларида, 270-модданинг 2 ва 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан Фармон тадбиқ этилмайди. Бундан ташқари, ўта оғир жиноят содир этганлар (ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган жиноятлар), ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек, уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам Фармоннинг 1-4,6-моддалари қўлланилмайди.

Шунингдек, жазони ўташ тартибини бузган шахслар ҳамда илгари амнистия ёки авф этиш тартибида жазодан озод этилган шахсларга нисбатан Фармон тадбиқ этилмаслиги белгиланган.

**- Жазони ўташ тартибини бузган шахслар деганда нима назарда тутилаяпти?**

- Жазони ўташ давомида жиноят содир этганлар: мунтазам равишда тартиббузувчилар, яъни Фармон чиққан кунга қадар бир йил давомида икки ва ундан ортиқ интизомий жазога (олиб ташланмаган) эга бўлган шахслар; ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилиниб, меҳнатдан бўйин товлаганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига юборилганлар; манзил-колониялардан бошқа тартибли колонияларга ўтказилган шахслар тушунилади.

Амнистия қўллаш барча ҳолларда ҳам ушбу Фармон кучга кирган кун, яъни 1997 йил 4 декабрга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатангина кўриб чиқилиши мумкин.

**- Президентимиз томонидан кўрсатилган бу мурувватни, инсонпарварлик моҳиятини умумий тартибда авф этилаётган ҳар бир шахс ҳам тўғри англамоғи учун нима қилиш керак?**

- Албатта, ушбу Фармон муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, келгусида оғир жиноятларнинг олдини олишда катта роль ўйнашини эътиборга олган ҳолда, унинг моҳияти амнистия этилаётган ҳар бир шахсга чуқур тушунтирилмоғи керак. Шунингдек, ваколатли бўлган органлар Фармонни тўлиқ ва ўз вақтида тўғри ижро этилишини таъминламоғи лозим.

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИ:

# ТАРАҚҚИЁТ РИВОЖИ

**Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар қадимий дўстлик анъаналари, ўзаро тенг ҳуқуқли асосдаги ҳамкорлик ва барқарор савдо-иқтисодий алоқаларга эга.**

**Ҳозирги пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожланиши икки томонлама асосда ва МДҲ доирасида амалга оширилмоқда. Давлатларимизнинг мустақил ва суверен давлатчилик шароитида икки томонлама алоқалари янги маъно касб этиб, маданиятлар ва халқларнинг ўзаро бойишига ҳамда келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги тараққиётга олиб боради.**

Ўзаро манфаатли алоқаларнинг муваффақиятига ҳукуматлар ҳамда парламентлараро расмий ва ишчи ташрифлар алмашуви, шунингдек, Москвда 1997 йил март ойида ўтказилган Ўзбекистон ва Россия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи мажлиси катта ҳисса қўшди.

Бу йиғилишда ҳукуматлараро музокаралар натижалари бўйича икки томонлама ҳужжатлар ва протоколлар имзоланди. 1998-2000 йилларда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида; Маҳаллий ҳаво йўналишларида фойдаланиладиган йўловчи (Ил-114) ва юк ташувчи (Ил-114 Т) русумидаги самолётлар ишлаб чиқариш ва уларни етказиб бериш соҳасидаги келгуси ҳамкорликни таъминлаш тўғрисида; наркотик ва психотропик моддаларни ноқонуний тарқатишга қарши кураш тўғрисида; валюта, экспорт назорати ва истиқболни белгилаш соҳасида ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар шулар жумласидандир.

Икки томоннинг саъй-ҳаракатлари корхоналар, ташкилотлар ва бошқа бозор субъектларининг анъанавий хўжалик, илмий-техник ва ишлаб чиқариш технологик алоқалари ривожига, транснационал саноат-молия гуруҳларини ташкил этиш, қўшма корхоналар тузиш ва уларнинг фаолияти, ҳамкорликнинг бошқа прогрессив шакллари ривожига қаратилган.

Икки мамлакат иқтисодий имкониятларини бир-бирига янада яқинлаштиришга «Илюшин» транснационал саноат гуруҳини ташкил этиш бўйича давом эттирилаётган ишлар хизмат қилади. Ушбу лойиҳа бўйича Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти, С. В. Илюшин номидаги авиация мажмуи ва Воронеж самолётсозлик ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда ҳамкорлик қилмоқдалар.

Икки томонлама савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик масалалари бўйича йиғилишларнинг мунтазам ўтказилиши Ўзбекистон-Россия алоқаларининг янада кенгайиши ва чуқурлашишига асос яратмоқда.

Бу учрашувлар ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосида ўтиб, икки томонлама ва МДҲ доирасида тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга имкон бермоқда. Бунда Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти ҳамда унинг дунё ҳамжамиятида ортиб бораётган роли ва Марказий Осиё минтақасидаги етакчилик ўрни инобатга олинмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари орасида асосий савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Мавжуд ўзаро товар айирбошлаш миқдори ҳамдўстлик доирасидаги умумий миқдорнинг ярмидан кўпини ташкил этади. Бунга ҳамкорликнинг барча йўналишларини ўзида мужассамлаштирган 85 дан ортиқ икки томонлама шартнома ва шунингдек, 1997 йилда икки мамлакат хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри шартномаларни амалга ошириш асос бўлди.

1996 йил якунига кўра, Россия Федерацияси билан товар айирбошлаш бир ярим миллиард АҚШ долларини (1995 йилдагига нисбатан деярли 17 фоиз кўп) ташкил этди. Бу МДҲ мамлакатлари билан эришилган товар айирбошлашнинг 60 фоизи демакдир. МДҲга йўлланган экспорт маҳсулотларининг 50 фоизи Россияга тўғри келди.

1997 йилнинг ўн ойи натижаларига кўра, Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш 1млр. 400 млн. АҚШ долларини (1996 йилнинг айни даврига нисбатан ўсиш 10 фоизга тенг бўлди) ташкил этди.

Экспорт таркибида сифат ўзгаришлари рўй бераяпти. Ўзбекистон Россияга пахта толаси, ЎзДЭУавтонинг «Тико», «Нексия» автомобиллари, «Дамас» микроавтобуслари ҳамда рангли металлар, ипгазлама матолари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, янги ва қайта ишланган мева ва сабзавотлар етказиб бермоқда.

Россия мамлакатимизга машина ва ускуналар, қора металл, дон, кимё ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, ёқилғи экспорт қилмоқда.

Ўзбекистонда 200дан ортиқ Ўзбек-Россия қўшма корхоналари фаолият олиб бормоқда. Улар касса аппаратлари, эксковаторлар, металл конструкцияси, металл, ёғоч, резина-техника, қадоқлаш, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар, двигателлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, энергия иншоотларини ремонт қилиш билан шуғулланадилар.

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В. Черномирдиннинг Ўзбекистонга амалга ошираdиган ташрифи ва сафар олдидан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисининг ўтказилиши тенг ҳуқуқли - ўзаро манфаатли Ўзбек-Россия ҳамкорлигининг янада чуқурлашуви ва мустаҳкамланиши йўлида яна бир аҳамиятли қадам бўлади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳукуматлараро алоқаларнинг ривожланиши ва истиқболли келажакка ҳамкорликдаги интилишларнинг самараси албатта бўлғай.

**Сергей ҚУРБОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири.**

# ДЕҲҚОН ОҒИРИ ЕНГИЛ БЎЛАДИ

Андижондаги "Тож металл" ҳиссадорлик жамиятида "Ўздонмаҳсулот" корпорациясининг буюртмасига асосан ПКШ русумли янги дон юклагич машиналари ишлаб чиқарила бошланди.

Авваллари бундай ускуналар четдан келтириларди. Маблағларни тежаш, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида корхона мутахассислари янги дон юклагичларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиқ этди.

Ҳиссадорлик жамияти яна бир янгиликка қўл урди. Корхонада деҳқон-фермерлар учун соатига ярим тонна донни поясидан ажратадиган мини-комбайн ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Янгилик Олтинкўл туманидаги Навоий номли хўжалигида синовдан ўтказилди ва фермерларнинг ижобий баҳосини олди. Ҳозирнинг ўзида вилоятдаги кўплаб хўжалик ва фермерлардан 50 та янги комбайнга буюртма олинди.

**К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.**

● *ХОРИЖ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА*

# ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ БАРПО ЭТИЛИШИНИ БАЙРАМ ҚИЛМОҚДА

**Тарихий шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда кўплаб хорижий олимлар, давлат ва жамият арбоблари қатнашдилар. Ушбу жаҳоний анжуманларда қадимий шаҳарларимиз тарихи ва маданиятини холисона, ҳартомонлама чуқур ўрганаётган олимларнинг иштирок этиши, айниқса, ғоятда қувончли воқеа бўлди. Иорданиялик тадқиқотчи Эҳсон Абдуллатиф ас-Саммарий узоқ йиллардан буён Бухорои шарифнинг ўрта асрлардаги тарихини ўрганди. Унинг магистр даражасини олиш учун тақдим қилган «Бухоронинг маданий тарихи (712-999 йиллар)» деган мавзудаги тадқиқоти 556 бетни ташкил қилади. Иорданиядан келган олимнинг Бухоро шаҳридаги анжуманда «Бухоро Сомонийлар даврида »деган мавзудаги маърузаси олим ва мутахассислар ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди. Ўз ватанига қайтгач, Эҳсон Абдуллатиф ас-Саммарий Бухоро ва Хивадан олган таассуротлари ҳақида Иорданияда чиқадиган «ар-Рай» номли марказий газетада мақола эълон қилибди. Ушбу мақолани арабча аслига монанд ҳолда ўзбек тилига ағдариб, ҳурматли газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.**

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.**

Қадимий шаҳарлар Бухоро ва Хива барпо этилганлигининг 2500 йиллиги муносабати билан яқинда Ўзбекистон Республикасида Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда маданий ва тарихий меросни шарафлайдиган йирик анжуманлар бўлиб ўтди. Бу улуғвор анжуманларда ушбу икки қадимий шаҳарнинг тарихи ва маданиятига доир жиддий илмий изланишлар олиб борган дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан келган бир юз олтмишдан зиёд олиму уламолар ва тадқиқотчилар иштирок этдилар. Республика Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ходимлари бу анжуманларнинг муваффақиятли ўтишида алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатганларини таъкидлаш лозим. Ушбу анжуманда иштирок этиш менга насиб этганлигини мамнуният билан қайд қиламан.

Ушбу халқаро анжуманларнинг зўр муваффақият билан ўтишида шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг раҳнамоликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президент жаноблари Бухородаги тантаналарда ҳам, сўнгра пойтахтдан 600 км узоқликдаги Хивадаги тантаналарда ҳам шахсан иштирок этиб, сўзлаган нутқларида истиқлол даврида Ўзбекистон диёрида маданият, маънавиятни юксалтириш масалаларига қанчалик эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Президент жанобларининг Хивада Маъмун академиясини барпо этиш ҳақидаги айтган хабарлари тўпланганлар, айниқса ўзбекистонлик ёшлар томонидан қизғин кутиб олинди. Мавриди келганда айтиш керакки, узоқ йиллар зулматда бўлган мамлакатда ҳар томонлама тараққиётга эришиш учун республика ҳукумати ушбу ёшларга катта умид билан қарамоқда.

Анжуман иштирокчилари ўз маърузаларини ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида қилган бўлсаларда, ўша заҳотиёқ, бошқа тилларга (синхрон) таржима қилиниб турилди. Олимлар бу икки кўҳна шаҳарнинг қадимий тарихи, улар заминидан имом ал- Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Бакр ал-Хоразмий каби машҳур зотлар етишиб чиққанлиги, умуман бу ўлкадаги маънавият ва умуминсоний қадриятларнинг илдизи чуқур эканлиги ҳақида аниқ маълумотлар билан тўлқинланиб гапирдилар.

Ўтмиш тарихини эъзозлаш борасида мустақил Ўзбекистон жумҳуриятида амалга оширилаётган бу каби улуғвор ишлар ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Тошкентда ўз ваколатхонасига эга бўлган ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистон қадим исломий қадриятларини тиклашда самарали фаолият олиб бораётганлигини тийран англаб тушуниб етганлиги ҳам хайрли ишлардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов жанобларига қадимий ўзбек маданияти ва маънавияти равнақига алоҳида эътибор бераётганликлари учун ҳарқанча ташаккурлар изҳор этсак арзийди.

Ўзбекистон жумҳурияти, унинг Фанлар Академиясига самимий миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга, бу табаррук диёрга тинчлик, осойишталик, бахт-саодат, улкан муваффақиятлар тилаймиз.

---

Фотомухбиримиз Тўлқин Каримов тасвирга олган ушбу ранг-баранг суратлар «VO _ ISLOM» хусусий фирмаси ҳақида ҳикоя қилади. Фирма 1997 йилнинг январь ойидан ўз маҳсулотларини чиқара бошлаган эди. Ва ўша ойнинг ўзидаёқ 70 минг сўм соф фойда олинди.

# МЕҲНАТДАН ХАЗИНА ТОПАЁТГАНЛАР









Бугунги кунда фирма Тошкент шаҳрининг 5 та туманида қандолат маҳсулотлари билан савдо қилмоқда. Сентябрга келиб даромад 700 минг сўмга етди. Дарвоқе, ҳалол меҳнат барча шоду хуррамлик, барча яхши нарсаларнинг манбаидир.

Суратларда: қандолатчилар О. Арютунова (чапдан), М. Лебажонова, Г. Холбекова ва Ш. Роҳаталиева; тайёр маҳсулот; З. Гусейнова ва Н. Южаковаларнинг харидорларга хушмуомилалиги кишининг ҳавасини келтиради; гўзал, тойчоқдек ишга шай турган «Дамас»лар.

---

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

*Россия «Газпром» акционерлик жамияти Россия ва Туркияни тўғридан-тўғри боғлайдиган газ узатиш қувурлари қурилишини бошлади, деб баёнот берди ушбу жамият бошқаруви раиси Рем Вяхиров. Узунлиги 1213 километр бўлган, Ставрополь ўлкасидан бошланиб Анқарагача етадиган мазкур газ қовурлари лойиҳаси «Зангори оқим» деб ном олди. 396 километр масофадаги газ қувурлари Қора денгизнинг чуқурлиги 2150 метр бўлган қаърида ётқизилади. Денгизнинг бундай чуқурлигида газ қувурларни дунёдаги фақат иккита — Италиянинг «Сайпем» ва Голландиянинг «Оллсеаз» фирмаларигина ётқизиши мумкин. Эълон қилинган тендерда қайси бир фирма ютиб чиқса, ўша лойиҳани амалга оширишга киришади.*

*Шу пайтгача Туркияга газ узатишнинг бир қанча йўналишлари (Россия—Украина—Молдавия—Румыния—Болгария—Туркия ва Россия—Грузия—Арманистон—Туркия) муҳокама қилинган эди. Энг арзон ва қулай йўл сифатида эса Қора денгиздан ўтадиган йўналиш танланди.*

### ЭКСПОРТ КЎПАЙМОҚДА

*Исроил Саноат ва савдо вазирлигининг маълум қилишича, шу йилнинг дастлабки ўн ойи ичида мамлакатда саноат моллари экспорти ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 8,3 фоиз кўпайган ва 15,18 миллиард долларни ташкил қилган. Асосан бриллиантлар, электрон ва тиббий ускуналар ҳамда уларга зарур қисмлар, компьютерлар, металлар, пластмасса ва каучук экспорти кўпайиб бормоқда.*

### ШАРТНОМА ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАНДИ

*Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь Хитой, Япония ва Корея Республикаси ҳамда АСЕАНга аъзо давлатлар бошлиқларининг бўлиб ўтган норасмий учрашувида Хитой ҳукумати Жануби—шарқий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги шартнома қўллаб-қувватлашини билдирди.*

### МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

*АҚШ Президенти Билл Клинтон 1997 йил фан ва техника тараққиётидаги хизматлари учун Миллий медалнинг 14 нафар соҳиби номини эълон қилди. Президент юксак мукофот эгаларининг истеъдоди ва ақлий заковати туфайли фан, техника ва технологиялар соҳасидаги етакчилигимиз янада юксалиб, ҳаётимиз тубдан ўзгарди ва келажагимизни белгилаб олишга катта ҳисса қўшилди, деди.*

### ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙДИ

*Ҳиндистон—Италия савдо-саноат палатаси бош котиби Сержио Сгамбатонинг айтишича, Италия озиқ-овқат саноати ва автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш соҳасида Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Сгамбато 1996 йилда Италия Ҳиндистон иқтисодиётига 47 миллион доллар инвестиция олиб кирган бўлса, жорий йилнинг бошидаги уч ой мобайнида бу кўрсаткич 219 миллион долларни ташкил этганлигини алоҳида уқтирди.*

---

# СУВ ОСТИДА КЕЧГАН ҲАЁТ

**Инсон том маънода табиат фарзанди. Бизни ўраб турган мунис мавжудот олдида кимдир фарзандлик бурчини сидқи садоқат билан адо қилса, кимдир эса... Жаҳон халқларининг тенгсиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган буюк француз сайёҳи ва олими Жак-Ив Кусто табиат олдида фарзандлик бурчини охирги нафасигача ҳалол бажарган инсонлардан биридир.**

Ўзбек телетомошабинларига унинг номи ва фаолияти «Кустоннинг сув ости Одисейи» фильми орқали яхши таниш. «Кусто эпопеяси» деб ном олган, дунё океанларию денгизлари тубидаги жонворлару ўсимликлар, табиатнинг турли сиру синоатлари ҳақида ҳикоя қилувчи 60 га яқин фильмлар улуғ жаҳонгаштанинг улкан маънавий мероси ҳисобланади.Ўзининг ноёб истеъдоди, ўткир ақли ва мардлигию жасурлиги туфайли «командор» деб ном олган Жак-Ив Кусто XX аср талотўплари оқибатида инсон ва табиат ўртасидаги узилган ришталарни қайта тиклашга бел боғлади. Индустриал тараққиёт баробарида океану денгизларга ҳар йили миллион тонналаб саноат чиқиндилари оқа бошлади. Энг ёмони, атом бомбалари синови учун яна океанлар қаъри танланди. Кўз илғамас сонияларда минглаб денгиз мавжудотлари абадий йўқлик сари улоқтириб ташланди. Океанларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси йил сайин камбағаллашиб бораверади. Натижада океанлар флораси ва фаунасига бағишланган «Қизил китоб» ҳажми катталашиб, инсон дилини изтиробга сола бошлади. Жак-Ив Кусто бошқалардан фарқли равишда изтиробини исён ва курашга айлантирди. Унинг исёни-амалий ҳаракат, меҳнат, изланиш, фидоийлик ва даъватдан иборатдир.

Океанлар дўсти «Қалипсо» деб аталган кемасида Тинч, Атлантика, Ҳинд океанларию ўнлаб денгизлар, одам оёғи тегмаган ороллару музликларни таъбир жоиз бўлса қадамба-қадам кезиб чиқди. Ана шундай машаққатли ва хавфли сафарларда унга дўстлари, шогирдлари ва фарзандлари Филипп, Жан-Мишель ҳамроҳлик қилишди. «Командор» тўплаган улкан илмий бойлик, келгуси ишлар давомчиси ва ворисини кичик ўғли Филипп тимсолида кўрар эди. Афсуски авиаҳалокат туфайли Филипп ҳаётдан эрта кўз юмди. Кусто фаолияти тадқиқотчиларининг ёзишича бу жудолик «командор» ҳаётининг энг оғир, энг мусибатли кунлари бўлган.

Шу йилнинг ёз ойларида бутун дунёдаги миллионлаб кишиларни чуқур қайғуга солган воқеа содир бўлди. Табиатнинг толмас ҳимоячиси Жак-Ив Кусто ҳаётдан кўз юмди. Ўзини ягона ворис ҳисоблаб юрган катта ўғил Жан-Мишель учун ҳам кутилмаган ҳодиса содир бўлди. «Командор» ўзидан кейин қолаётган меросига иккинчи хотини (унга 1991 йил, Жан-Мишелнинг онаси вафот этгандан сўнг уйланган) Франсинни ворис этиб тайинлагани маълум бўлди. Бир пайтлар «Эр Франс» авиакомпаниясида стюардесса бўлиб хизмат қилган Франсин ўзининг истеъдоди, юксак даражадаги ташкилотчилиги билан Кусто муҳаббатини қозонган эди. Эндиликда Франсин Америкадаги «Кусто сосайети» ва Франциядаги «Экип Кусто» ассоциацияларидан иборат Кусто фондининг бошлиғи ҳисобланади. Ҳозир у Кусто уй-музейини ташкил қилиш, «командор» ҳаётининг барча қирраларини қамраб олувчи фильм яратиш устида ишламоқда. Энг муҳими янги «Калипсо-2» кемасини қуриб, Кусто экспедициясини давом эттиришга тайёргарлик кўрмоқда.

Океан бағри ҳам инсон қалбига ўхшайди. У ёвузликдан азият чекса, эзгуликдан гуллаб-яшнайди. Сиру синоатларга тўла бу дунёга эзгулик билан калит топган, унинг дардларига малҳам бўлган, экологик фалокатлардан, инсоннинг баъзан жиловсиз фаолиятидан зада бўлаётган баҳри муҳитимиз ҳимоясида Кустонинг ўрни сезилиб турибди. Бироқ таскин ва умид шундан, бу улуғ инсон бошлаган ишлар тўхтаб қолгани йўқ, яқин кунлар ичида «Калипсо-2» жаҳон океанлари ичра машаққатли, аммо ойдин сафарга йўл олади.

**Жалолиддин САФОЕВ.**

---

# ХАЙРЛИ АНЪАНА ТИКЛАНЯПТИ

Яқин ўтмишда ҳам Фарғона водийси ижодкорлари, журналистлари, матбаатчилари орасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш яхши йўлга қўйилган эди. Сўнгги йилларда бу ибратли анъанани тиклашга бўлган интилиш кучайиб боряпти. Фикримизни яқинда «Фарғона тонги» ҳамда «Наманган садоси» газеталари ижодкорлари ҳамкорликда чоп этган қўшма сон газеталари, ҳам исботлаб турибди.

Фарғоналик журналистлар ўз муштарийларига қўшни вилоят марказида эришилаётган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилишган бўлса, наманганликлар, фарғоналик кимёгарлар, нефтчилар, саънаткорларнинг бунёдкорлик ишларидан воқиф бўлдилар.

Фарғоналикларга айниқса, Наманганда ташкил этилган ўзбек-герман қўшма корхонаси, водийда биринчи бўлиб қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйган жамоадан ёзилган мақолалар манзур бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**


# АПКАЛ-Г

*самарали дори бўлиб, қуйидаги мақсадларда ва болалар учун ҳам қўлланиш мумкин:*

- **суяк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш;**
- **тиш эмалини мустаҳкамлаш;**
- **аллергия хасталиклари ва рахитнинг олдини олиш.**

**Меъёри: кунига икки маҳал бир таблеткадан.**





---

● *АДАБИЙ МЕРОС*

# «ДУШМАН» ТОПИЛДИ

Усмон Носир ижодини ўрганган тадқиқотчилар шоирнинг бизга қолдирган адабий мероси ҳақида сўз юритар эканлар, бу мерос 5 та шеърий тўплам («Қуёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар», «Трактробод», «Юрак», «Меҳрим»), «Нахшон» ва битмай қолган «Норбўта» номли достонлар, «Атлас» драмаси, «Боғчасарой фонтани» (А. С. Пушкиндан) ҳамда «Демон» (М. Ю. Лермонтовдан) достонларининг таржималаридан иборат, деб таъкидлаб келадилар.

Изланишлар туфайли бизга шу маълумки, Усмон Носир «Зафар» (1929 й.), «Назиржон Халилов» (1930 й.), «Душман» (1931 й.) драма асарларини яратган, рус драматурги В. М. Киршоннинг «Сўнгги кун» пьесасини ўзбек тилига ўгирган (1932 й.), «Гўрўғли» операсининг либреттосини ҳам ёзган. Яна шоир қатағонга учраб, Сибирь лагерларига сургун қилингач, Златоуст ва Магадан қамоқхоналарида битта шеърий роман, учта пьеса ва бир қатор шеърлар битган эди, деган маълумотлар ҳам бор. Ўша қўлёзмалар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборилганлиги ҳам маълум. Аммо ҳанузгача бу асарлар йўққа чиқарилиб келинди.

Мен ҳам Усмон Носир ҳаёти ва ижодини кўп йиллар ўрганишим натижасида унга тегишли, унинг ўз қўли билан битилган бир қанча дастхатлар, ҳужжатлар, қўлёзмалар ва китобларини топишга муяссар бўлдим. Булар орасида бизгача матни етиб келмаган деб ҳисобланган «Душман» пьесасининг нашри ҳам бор.

1929 йилдан бошлаб деҳқонлар мажбурий равишда ёппасига колхозларга — жамоа хўжаликларига — бирлаштирила бошладилар. Коллективлаштириш жараёни оғир синфий курашлар билан боғлиқ бўлганлиги тарихдан яхши маълум.

«Душманлар» ҳамма ерда ахтарилларди. Бу сиёсат барчани «зийрак» бўлишга, ота ўғилни, ўғил отани, ака укани, ука акани хоинларча сотишга ундарди. Хавотирлик ҳолати бутун мамлакатни қамраб олган давр эди.

1931 йилнинг 9 сентябрь куни 1085 рақами остида Ўзқишлоқ хўжалик коллективлари Иттифоқининг Қўқон райони бўлими ҳам қарор қабул қилади. Унда Қўқон Давлат ўзбек драма театри колхозларда пахта йиғим-терим компанияси ҳақида пьесалар қўйишни ташкил этаётганлигини билдириб, барча жамоа хўжаликлар бошқармалари бу жараёнга керакли кўмак беришларини буюради.

Кўплаб ўзбек ёзувчилари қатори пахта мавзусида Усмон Носир ҳам драматик асар ёзишга киришади ва бир ой ичида унинг тугалланган «Душман» пьесаси Қўқон драма театри саҳнасида ўйналади.

1935 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти «Колхоз саҳнаси» номи билан пьесалар тўпламини чоп этади. Бу китобга 5 пардали «Душман» пьесаси ҳам киритилган.

Энг муҳими, асар 30-йиллар ўзбек драматургияси шаклланиш тарихини ўрганиш ҳамда шоир Усмон Носир ижодини тадқиқот қилишда манбаа бўлиши мумкин.

Хуллас, истеъдодли ижодкор яратган ва бизгача етиб келган асарлар рўйхати яна биттага бойиди. Бу Усмон Носир ёзган, аммо «йўқолиб кетган» меросини излаб топиш, аниқлаш йўлидаги илк қадам ва биринчи ютуқдир.

**Нодира РАШИДОВА.**


# «ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Иссиқда яшашни хоҳлайсизми?

КАЛОРИФЕРлар сотиб олинг

Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
"С. Раҳимов" метро бекати.


---


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0823, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир —М. Сафаров.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳиҳ —Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6